
Наврўз байрами Бўрбонлиқ қишлоғида ҳам кўтаринки руҳда нишонланди

Шоду хуррамлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик айёми - Наврўз байрами Бўрбонлиқ қишлоғида ҳам кўтаринки руҳда нишонланди. Барчанинг юзида табассум, бугунги кундан розилик, шукроналик ҳисси балқиб турибди. Тадбирда туман ҳокими Ш.Турдалиев иштирок этиб, барчани Наврўзи олам билан табриклади. Туман ҳокими Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларни алоҳида эътироф этиб, инсон манфаати, халқимизнинг бахтли яшаши учун барча шароитлар яратилаётганини таъкидлади. Нуронийлар Наврўз айёми қутлуғ келиб, мамлакатимиз далаларида ҳосиллар мўл, ризқу насибамиз кўп бўлишини, келгуси йил яшариш ва янгиланиш тантаналарига тинчлик-фаровонликда етказишини Аллоҳдан сўраб эзгу тилаклар билдирдилар. Хушовоз хонандаларнинг дилтортар тароналари, миллий куй-қўшиқлар, ёшлар иштирокидаги халқ ўйинлари кечага янада файз улашди. Дошқозонда миллий таом ош дамланди. Файзли дастурхон атрофидаги нуронийларнинг суҳбатларидан юз-кўзларида чексиз шодлик мужассам.

2022-03-25 18:34:16